



20 20 у. « 9 » июль

№ К-332

« » 20 г.

Музработ туманидаги “Кўнғирот Сополлитепа” массиви худудидан “ISSIQXONA GOLD” ишлаб чиқариш кооперативига енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/335-сон йиғилиш баёни ва Музработ тумани ҳокимининг 2020 йил 5 июндаги 01-05/123-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/335-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ туманидаги “Кўнғирот Сополлитепа” массиви худудидан “ISSIQXONA GOLD” ишлаб чиқариш кооперативига туманда кам таъминланган аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 760қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 2,0 гектар суғориладиган экин ер майдонида енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун 30 йил муддатга ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ISSIQXONA GOLD” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Б.Хайдаровга:

ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов